

**БАДИК** - халк огзаки ижоди жанри. «Гул», «гулафшон», «кўч-кўч» номлари билан ҳам юритилади. Бадиклар киши танасига кизилча, эшакеми ва бошка тошмалар чикканида гўё уларни «даф этиш» учун бадикхонлар (бадик айтувчилар) томонидан ижро этилган. Туркий халкларнинг деярли барчасида учрайдигай бу хил асар асосан, бадикхон билан бемор вужудига жойлашиб олган «ёвуз рух» орасидаги курашни акс эттиради. Бадиклар изчил ва тургун шаклга эга бўлади, хажми турлича, кескин буйрук охангида ижро этилади. Бадикларнинг тили ва бадий-ифодавий воситалари халк сўз санъати ходисасп сифатида ўрганилади.